## Дараклар

### ҲУКУМАТ ТАРКИБИ МАЪҚУЛЛАНДИ

**Маҳмуд Аббосдан кейин Фаластин бош вазири лавозимига тайинланган Аҳмад Пуря ҳукуматни шакллантиришга ҳаракат қилмоқда.** Ҳафта якунида бош вазир янги ҳукумат таркибини ишлаб чиққан ва Мухторият раҳбари Ёсир Арофатга тақдим этган. Ўз навбатида ҳукумат лойиҳаси Арофат томонидан маъқулланган.

Янги бошқарув тизимида бир нафар ХАМАС гуруҳи аъзоси ва бошқа сўл гуруҳ вакиллари ҳам бор. Ҳозирги шароитда ҳукуматнинг энг масъулиятли лавозими саналган ички ишлар вазири вазифасини Носир



Юсуф бажариши кўзда тутилган. Юсуф, энг аввало, мамлакатдаги тартибсизликларга барҳам бериши ва тинчликни мустаҳкамлаши зарур.

### ИТАЛИЯ ЭЛЕКТР ТОКИСИЗ ҚОЛДИ

**Ёдингизда бўлса, август ойида АҚШ ва Канаданинг айрим ҳудудларида электр энергия таъминоти маълум вақтга тўхтаганди. Худди шундай ҳолат Италияда ҳам содир бўлди. Мамлакатнинг Сардиния оролидан ташқари барча қисмида электр токи узилиб қолди.** Айни ўша пайтда пойтахт Римда “Оқ тунлар” байрами нишонланаётган эди. Энергия таъминоти узилиши оқибатида мамлакатдаги савдо ва маиший хизмат муассасалари фаолияти вақтинча тўхтаган, метрополитен ва лифтлар ишламай қолган.



Мутахассислар Франция ёки Швейцария электр станцияларидаги носозликлар ушбу ҳолатни келтириб чиқарган бўлиши мумкинлигини айтишмоқда. Айни вақтда кўнгилсиз аҳволни бартараф этиш бўйича тезкор чоралар кўрилмоқда.

### ТЕХНОЛОГИЯ ЯНГИЛАНАДИГАН БЎЛДИ

**Германияда электр токи олишнинг кенг тарқалган усули бу шамол энергиясидан фойдаланиш ҳисобланади.** Буни республикада шамолдан олинадиган электр токи



умумий энергиянинг 20 фоизини ташкил этишидан ҳам билса бўлади. Мамлакатда 14 мингга яқин паррак мосламалари бор ва улар арзон электр токи ишлаб чиқаришга хизмат қилади. Айни вақтда эколог олимлар шамол парракларининг салбий жиҳатлари, хусусан, уларнинг қушлар ҳаётига хавф солаётгани хусусида кўп гапиришмоқда. Ана шуларни инобатга олиб, немис олимлари шамолдан энергия олишнинг бошқа илғорроқ усули ва янги технология яратиш йўлида изланмоқдалар.

### ЧЕЧЕНИСТОН РАҲБАРИГА СУИҚАСД

**Чеченистонда вақтинча президент вазифасини бажариб турган бош вазир Анатолий Попов заҳарланиб шифохонага ётқизилди.** Хабарларга қараганда, бош вазирнинг аҳволи у қадар жиддий эмас ва у ўзини анча яхши ҳис қилмоқда. А. Попов мамлакатдаги газ қувури очилиши маросимида иштирок этган ва тадбирдан сўнг ташкил қилинган тушликда номаълум кишилар томонидан заҳарланган. Ҳозирча айбдорлар аниқланганича йўқ.



Эслатиб ўтамиз, аввалги президент Аҳмад Қодиров сайловлар яқинлашиши билан унга тайёргарлик кўриш учун раҳбарликни вақтинча А. Поповга топширганди. Шуни алоҳида айтиш зарурки, сайловда президентликка бош вазир номзоди кўрсатилмаган.

### ЧХАИДЗЕ — КОМПЬЮТЕРДАН КУЧЛИ

**Грузиялик Георгий Чхаидзе кўз кўриб, қулоқ эшитмаган оғир вазифани уддалади: у иккита 9 хонали сонни кўпайтириш амалини ҳеч қандай техник воситаларсиз амалга оширишга муваффақ бўлди.** Математиклар, психологлар ва бошқа мутахассислар иштирокидаги йиғинда тиниб-тинчимас грузин 20 дақиқа вақт ичида, икки узундан-узоқ сонни бир-бирига кўпайтирди ва тўғри натижани кўрсатиб берди. Энди Георгий Чхаидзе Гиннеснинг рекордлар китобига кирадиган бўлди.

**Абдул СОБИР тайёрлади**

## Бизнес

# SHARP: ҚУЛАЙ, АРЗОН, СИФАТЛИ

Дунёда ўзининг сифатли маҳсулотлари билан шуҳрат қозонган ва электроника бозорида мустаҳкам ўрин эгаллаган SHARP корпорацияси 1912 йилда ташкил этилган. Унга токиолик механик Хаякава Токудзи асос солган. Фирма дастлаб соябонлар учун арзимаган эҳтиёт қисмлар тайёрлаб сотган. Ўша вақтда ҳали ҳеч ким, ҳатто Хаякаванинг ўзи ҳам, ана шу кичик устахона кейинчалик бутун жаҳонга машҳур компанияга айланишини билмасди.

1915 йили Токудзи “Ҳамиша ўткир қалам”(Ever-ready-Sharp Pencil) деб номланган янги маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Қаламлар савдога чиқарилгач, фирма SHARP деб атала бошлади ва шу тариқа янги кашфиёт бутун бошли корпорациянинг савдо белгиси ҳамда номига айланиб кетди. 1923 йили Токиода юз берган даҳшатли зилзила эндигина қаддини ростлай бошлаган фирмага ҳам кулфат келтирди: SHARPнинг шаҳар марказида жойлашган биноси бутунлай вайронага айланди. Ҳаммасини яна қайтадан бошлашга тўғри келди. Токудзи умидсизликка тушмай, фирма қароргоҳини Осака шаҳрига кўчирди ва шу шаҳарда янги иншоот бунёд этди. Тез орада ишлаб чиқариш ҳам изга тушиб кетди. Фирма илғор ғоялари ва ихтиролари билан Япония электроника бозорини жуда тез суръатда эгаллади. Айнан SHARP компанияси 1925 йили мамлакатда биринчи бўлиб радиоприёмниклар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. 1953 йилдан компания телевизорлари ҳам оммавий суръатда сотила бошлади. 1973 йили компания дунёда биринчи бор чўнтак калькуляторларини ишлаб чиқарди...

Бугунги кунда жаҳоннинг йигирма мамлакатида SHARP корпорациясининг савдо бўлимлари бор. Шунингдек, 12 хорижий давлатда корпорация ваколатхонаси ишлаб турибди. Турли мамлакатларда жойлашган учта илмий-тадқиқот марказида компания олимлари янги-янги кашфиётлар устида изланиш олиб боришмоқда. Корпорация теле ва видео тизими, маиший жиҳозлар, ахборот технологиялари, микросхема каби ўнга яқин йўналишда энг сифатли, қулай ва нисбатан арзон маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда. Айни вақтда SHARPнинг улкан тизимида 23 минг 600 нафар ходим меҳнат қилмоқда. Корпорациянинг 1999 йилги савдо айланмаси ҳажми 1745 миллион иенани ташкил этди.

**С. КАМОЛ**

## Маърифат

# ОЁҒИ ЕРДАН УЗИЛГАН ОДАМ

*мен, сиз ёки у бўлиши мумкин*

Айтинг-чи, одамнинг оёғи ердан узилиши мумкинми? Ёруғ оламдан кўз юмган пайтда, дейишингиз турган гап. Тўғри. Инсон умрининг интиҳоси, ҳеч ким инкор қилолмайдиган, тан олиши муқаррар ҳақиқат — бу. Лекин теварак-атрофга синчиклаб назар ташласангиз, ҳали муайян даргоҳларда ишлаб турган, ҳаётлик пайтидаёқ оёғи ердан узилган одамларга ҳам дуч келасиз. Таъбир жоиз бўлса, худбин, манман, кибр-ҳаво билан юрадиган, одамларни тоифага ажратадиган ҳамда нуқул бошқалар билан эгаллаб турган лавозими, мавқеи, ўзига қандай фойдаси тегиши ёки мол-дунёсига қараб муомала қилишга одатланган кимса оёғи ердан узилган одамдир.

Истаган давр ёки халқ маънавий мероси, тарихий ёки бугунги манбаларини олманг, камтаринлик улуғланган кўпдан-кўп мақол, ҳикматли сўз, ривоятларга дуч келасиз. Айнан ана шу фазилатлар туфайли эл эъзозига сазовор, яхши кунларга етган одамлар ҳақида ҳаётий мисоллар ҳам жуда кўп. Аммо дунёда кибр-ҳаво, манманлик фазилат саналган ва инсоният шунга даъват этилган бирор манба бормикин? Оёғи ердан узилган ҳолда обрў-эътибор топган, ўзидан яхши ном қолдирган лоақал битта инсонни учратганмисиз?! Йўқ, деб жавоб беришингиз турган гап.

Бир нарсага ҳайрон қоламан. Нега ҳамма ҳам шу оддий мантиқ, шу ҳаёт сабоғини ўз вақтида, тўғри англаб етмайди? Нега, ўзи билиб-билмай кибр-ҳавога, манманликка берилиб боради? Қизиғи шундаки, бундай оёқ ердан узилишлар баъзан очиқ-ойдин, кўз ўнгимизда, ўзимиз билган, таниган одамлар тимсолида кечади.

... Бир дўстим кўпчиликнинг юмуши тушиб турадиган идоралардан бирига раҳбар бўлиб ўтди. Унинг янги ишхонасидаги ўринбосари билан аввалдан саломалигимиз бўлса-да, дўстим туфайли муносабатларимиз илиқлашиб кетди. Дўстимнинг ўринбосари энди баъзан кўча-кўйда учратиб қолса, қуюқ ҳол-аҳвол сўрашиб ўтар, кўринмай қолганимдан гинахонлик қилар, “Меҳр икки кўзда”, деб тез-тез учрашиб туришга даъват этарди. Ва, албатта, гап орасида бошлиғи шаънига ҳам тўрт-беш оғиз мақтов сўзлар айтарди. Идорасига бориб қолсам, албатта, дўстимнинг ҳузурига бошлашиб кирарди. Турли муносабат билан бир даврада ўтирган пайтларимиз ҳам бўлган. Суҳбатимизни жон қулоғи билан тинглаб, маъқуллаб, бошлиғининг ишорасига маҳтал, ният айтаётганда ўрнидан туриб, икки қўлини кўксига қўйиб, ҳар икки гапнинг бирида “раҳмат”, дея такрорлаганлари, илтифотларидан ҳатто ўзимни ноқулай ҳис этардим.

Кейинчалик дўстим бошқа ишга ўтиб, ўринбосар унинг курсисини эгаллади. Камина аввалгидай ўйлаб, у билан дуч келганда салом-алик қилдим. Энди муносабатимиздаги илиқлик ўрнини расмий муомала эгаллаганлиги борган сари яққолроқ сезилиб борарди. Кўп ўтмай, унинг кўриб кўрмаганга олаётганини пайқадим. Машинага ўтирса эшик юқорисидаги тутқичдан тутиб, худди қўлини олса тушиб кетадигандек осилиб оладиган, иложи борича кеккайиб юрадиган одат чиқарди. Қўл остида ишлайдиган эски танишлар муомаласи ниҳоятда қўполлашганини, кўп ўтмай қуйироқ вазифада ишлаган, ўринбосарлик пайтида зеҳнини қойитган, эски бошлиқ билан муносабати яхши бўлган ҳамкасбларининг пайини қирқишга тушганини айтиб қолишди.

Мен кўриб кўзларимга, эшитиб қулоқларимга ишонмасдим. “Ё тавба! Ўз-ўзимга савол берардим: инсон боласи ҳам шу қадар кескин ўзгариши мумкинми?! Бирга туз-нон татиб билдирилган эзгу ниятлар, одамгарчилик, оқибат ҳақида айтилган гаплар қаерда қолди!” Улуғлар одамнинг аслини билмоқчи бўлсанг, мансаб ёки бойлик бериб сина, деб бежиз нақл қилишмаган экан.

Оёғи ердан узилган одамлар ҳақида ўйлаганимда яна бир воқеа беихтиёр ёдимга тушади. Бевосита ўқитувчилар фаолиятига дахлдор бир муассаса раҳбарининг кабинетида ўтирардик. Бу раҳбарни талабалик пайтидан билардим. Оддий ўқитувчиликдан иш бошлагани, илмий тадқиқот билан шуғуллангани, мансаб пиллапояларидан йиллар оша юқорилаб боргани, ниҳоят, раҳбарлик курсисига ўтирганидан хабардор эдим. У ўта дид билан кийинар, сўзамолликка ҳам уста бўлиб кетганди. Хуллас, суҳбатимиз асносида бир муаллима узр сўраб, кабинетга кирди. Унинг ўзини ноқулай сезаётгани баробарида раҳбар билан боғлиқ юмуши борлиги, вақти тиғизлиги гап оҳанги, хижолатомуз қарашларидан маълум эди.

— Кўрмаяпсизми, муаллима! Мен бандман! — дея жеркиб ташлади раҳбар ва менга қараб изоҳ берди. — Буларга ҳайронман. Худди колхоз бозорига ўхшаб кириб келаверади.

Раҳбар яна нималардир дея ваъз ўқиб, дашном берди. Аёл ер ёрилса киргудай қизариб кетди. Менинг иштирокимда юз берган бу воқеадан ўзимни ноқулай сезаётгандим. Кўнглимдан менинг борганим ёқмади, шекилли, деган фикр ҳам кечаётганди.

— Келинг, опа, — дедим чиқиб кетишини ҳам, бирор жавоб қайтаришини ҳам билмай қотиб турган муаллимага ва ўтириш учун жой кўрсатдим. Раҳбар менинг юзимдан ўтолмади ва муросага келиб муаллимани тинглашдан ўзга иложи қолмаганди. Икки оғиз гап экан. Атиги бир дақиқа фурсат кетди. Лекин бу қўполлик туфайли аёл кўнглига кетган дарз-чи? Унинг битиши учун қанча фурсат керак бўларкин?! Жароҳат битса-да, унинг излари қолади-ку!

— Хафа бўлманг-гу, агар муаллим бўлмаса, сиз, мана бу муассасангизга ҳам ҳожат йўқ,— дедим раҳбарга иккимиз ёлғиз қолгач. — Билсангиз, мана, бу кабинетингиз, шунча дабдабаю савлат шу — муаллимнинг ортидан. Ўзингизни бор қилиб турган касб эгаларидан лоақал яхши муомалангизни аяманг. Ҳозир ҳам кеч эмас. Камтарроқ бўлинг, муомалани ўрганинг. Бўлмаса узоққа бормайсиз.

Юз берган бу кўнгилсиз воқеани бошқа бир танишимга гапириб бергандим:

— Энди билдингизми? У бутунлай ўзгариб кетган, — деди фикримга қўшимча қилиб. — Ҳозир у одамни оёқ учида кўрсатади.

Ҳа, унинг оёғи аллақачон ердан узилган эди. У муаллақ турганини пайқамас, ҳолатини парвозга нисбат бериб, хато қилаётган эди. Ва бу ҳолат кўп ўтмай унинг курсидан тушиши билан интиҳо топди.

Шу ўринда “Олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин”, деган нақл бекорга айтилмаганига яна бир иймон келтирдим. Тўғри, одам қанча кам ўқиса, кам билса, шунча саёз фикрлайди. Ўзини ҳаммадан ақлли, билимдон санайди. Аксинча, нечоғли чуқур илмга эга бўлса, тафаккур дунёси бойиб, билимнинг чеки, чегараси йўқлигини, ўқиб-ўрганаётганлари денгиздан томчидай эканлигини англаб боради. Юқорида мен таназзулини мисол келтирган раҳбар ҳам ўқишнинг камини қўймаган. Адабиёту фалсафадан истаганча баҳслаша олар, билимдон эди. Демак, гап фақат ўқишда ҳам эмас экан. Ҳеч бир банданинг оёғи ердан узилган одамга иши тушиб бормасин. Борган тақдирда, албатта, қош-қовоғини уйиб, ёқтирмаётганини очиқ-ойдин билдириб, юмуши кўплигинимми, юқорига мажлисга шошилаётганлигинимми, ўзи мажлис чақирганинимми баҳоналаб “кўрамиз”дан нарига ўтмайди. Бирор ходимини телефон орқали ёки ҳузурига чақириб ёнингизда болохонадор қилиб койийди. “Қизим сенга айтаман, келиним — сен эшит” қабилидаги бу муносабатни изоҳлаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Унинг ёнига кирганингизга минг пушаймон бўлиб, ташқарига чиқасиз. Яратган ҳеч бир бандасини Ўзидан бошқага муҳтож қилмасин экан, дейсиз.

Ҳузурига кирган кишини очиқ чеҳра билан қарши олиб, бироз ҳол-аҳвол сўрашиб, муддаосини эшитиб, қўлидан келадиган иш бўлса битириб, акс ҳолда, узрини айтиб, хушмуомалалик билан кузатиб юборганга нима етсин! Қолаверса, яхши сўз билан тушунтирилса, ҳеч ким “Мен билмайман, фалон муаммомни ҳал этиб берасан”, деб гирибонидан олмаса керак-ку! Ахир, “Яхши сўз билан илон инидан чиқар”, “Буғдой нонинг бўлмаса ҳам, ширин сўзинг бўлсин”, деган пурмаъно ҳикматлар бежизга айтилмаган.

Бир оддий ишчи танишимнинг “оёғи узангида” юрган қўшниси бўларди. Савлат тўкиб дарвозасидан чиқар ва хизмат машинасига ўтириб ишга борар, яна шу тахлит уйга қайтиб, ичкари кириб кетарди. Эшитишимча, хабар қилишларига қарамай, маҳалла-кўйнинг нари турсин, ҳатто девор-дармиён қўшнисининг таъзиясида кўнгил сўраб ёки тўйида “қутлуғ бўлсин”га кириб чиқишни ҳам ўзига эп кўрмаскан. Хонадонида ўтадиган маъракаларга ҳам теварак-атрофдагиларни эмас, нуқул казо-казоларни таклиф қиларкан. Қариндош-уруғларни ҳам танлаб чақираркан. Ўтган-қайтганлар салом берган тақдирда худди эшитмагандек алик олмас, ёки хуши келса бош қимирлатиб қўяркан.

Меҳнаткаш, оддий одамнинг ғурури баланд бўлади. Камтарин, кўнгли очиқ, обрў-эътиборли кишининг ҳурматини ўринлатади. Хонадонига ташриф буюргудай бўлса, алоҳида эҳтиром кўрсатади. Бисотида борини дастурхонга олади. Эвазига бирор манфаат кутмайди. Ҳатто бизникига фалончи келган эди, деб ғурурланиб, айтиб юради. Лекин нафсониятига тегадиган, қадр-қиммати жиндай камситиладиган, саломи аликсиз қоладиган бўлса кўнгли оғрийди. Куни ўтмай қолган тақдирда ҳам ўзини димоғдор кимсадан нари тутади. Менсимагач, кишини тўй-маъракасига чақирмай қўяди.

Оёғи ердан узилган одамларнинг шу оддий мантиқни англамасликлари мени ҳайратга солади. Кўпинча ёғ босган кўзлар очилган пайтда эса улар аллақачон эл назаридан қолган бўладилар.

Танишимнинг қўшниси ҳам бора-бора маҳалла-кўйдан ажралиб қолди. Бир гал қўшнилари ҳақида гап кетганда унинг кўпни кўрган отаси:

— Ҳар ким ҳурмат қилса, ўзини ҳурмат қилади, — деди вазминлик билан.

Шу асно кўз ўнгимда оёғи ердан узилган ўша одамнинг ўзидан юқорироқ амалдорларга илтифот кўрсатган, тўй-маъракаларида дарвоза олдида қўл қовуштириб, меҳмонларни кутиб-кузатган, худди уй эгасига ўхшаб бошқош бўлиб юрган қиёфаси гавдаланди.

Кейинчалик унинг нафақага чиққани, оёғи узангидан кетганини кўнглига оғир олибми, одамлар назаридан қочадиган одат чиқаргани, охир-оқибат хасталаниб қолганидан хабарим бор. У юрак хуружидан вафот этди. Яна кўниқўшнилар, маҳалла-кўй яради. Оёққа туриб, тобутни елкаларига кўтариб маҳрумни сўнгги манзилга кузатишди.

Ўзимча юқоридаги ҳолатларнинг сабабларини излайман. Назаримда, бунинг бош сабаби — бойлиги кўпайиб қолган ёки оёғи узангида юрган одамнинг ўзгаларни назар-писанд қилмай қўйиши, ўзига ортиқча баҳо бериши, маънавий сўқирлигида. Бурнидан нарини кўра олмаслигида. Фикримча, уларнинг нафақат кўзларини, балки, таъбир жоиз бўлса, фикр-мушоҳадалари, тафаккурларини ҳам ёғ босишида. Ҳар қандай ҳаётнинг ҳам интиҳоси борлигини унутишида. Беихтиёр севимли ёзувчимиз Ўткир Ҳошимовнинг “Дафтар ҳошиясидаги битиклар”идаги “Йўқчилик ва тўқчилик” битиги ёдимга тушади. Адиб “Бир нарсани тушунмайман: китоб ўқийдиганларда пул йўқ. Пули кўплар китоб ўқимайди”, деганда нақадар ҳақ. Мен шундайлар сирасига ҳеч иккиланмай айрим амалпараст ва бюрократ мансабдорларни ҳам қўшган бўлардим.

Амалдаги йилнинг “Обод маҳалла йили”, деб номланишида ҳам улуғ ҳикмат бор. Бу — жамиятимизнинг кичик бўлаги ҳисобланган маҳалла билан бир умр боғлиқ эканлигимиз, унинг ташвиш-дардлари, қувончига шерик, ҳамнафас яшаш каттаю кичик, барчанинг юксак инсоний бурчи эканлигини, инсон маҳалла, теварак-атрофидаги одамлар билан тириклигини яна бир бор англашга даъватдир. Энг ёмони, айрим оёғи ердан узилган одамлар инсонийлик, яхшилик, ҳалоллик, меҳр-оқибат ҳақида истаганча гапириши мумкин-у, лекин ўзига келганда бу фазилатлардан урвоқ ҳам тополмайсиз. Шу асно балким сизнинг ҳам тили бошқа-ю, дили бошқа, илми бошқа-ю, амали бошқа кимлардир кўз ўнгингиздан ўтаётгандир. Менимча, бироз қўпол туюлса ҳам, донишманд бобокалонларимиздан бирининг ўқиб, унга амал қилмайдиган одамдан устига китоб ортилган эшак яхшироқ, деган мазмундаги битиклари шу тоифа одамларга қарата айтилгандай туюлади.

Орамизда боши осмонга етганда, юртни сўраб турганда ҳам оёғи ердан узилмаган, одамлар билан муомала-муносабатда ҳамиша бирдай, ўзгармаган инсонлар ҳам кўп. Улар нафақат сўзлари, балки ўзларининг камтаринликлари, эл дарди, ташвиш ва қувончига шерикликлари билан ҳам обрў-эътибор топишган. Таниган-билганлар уларга ҳавас қилади, бошқаларга ибрат кўрсатади, яхши кунларида хонадонларига чорлаб давра тўрига ўтқазади, бошига ташвиш тушганида улар мададига таянади.

Эзгу муддаомиз: ҳеч ким эл назаридан қолмасин ва тирик туриб оёғи ердан узилмасин. Инсоннинг қалб кўзи ҳамиша очиқ бўлсин!

**Жаҳонгир ИСМОИЛОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист,**
**Бухоро**

## ОАВда

# ТЕРРОРЧИНИНГ ИҚРОРИ

Азизбек Каримов билан қамоқхонада ўтказилган интервью ҳамда унинг оила аъзолари, турмуш ўртоғи ва ундан жабр кўрганларнинг қариндошлари, шунингдек, террорчини қўлга олган Ўзбекистон ва Қирғизистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари билан бўлиб ўтган мулоқот терроризмга қарши курашнинг орқа томонига назар ташлаш имконини берди.

“Мен ҳаммасини ўз кўзим билан кўрдим. Бу дунё қанчалик адолатсизликлар билан тўла экан”, дейди Азизбек. Уни ўз сафига қўшиб олган исломий радикаллар Азизнинг ҳаётини ўзгартиришга ваъда беришган. “Мен уларга ишонибман. Улар исломий давлат барпо этса, дунёда адолат ўрнатилади, деб ўйлабман. Лекин маълум фурсат ўтгач, фикрим ўзгарди. Негаки, улар айтаётган гапларнинг ҳаммаси қуруқ сафсата экан. Улар учун муҳими ҳокимият эди. Ким ўлади, ким қолади, бу уларни заррача ташвишлантирмасди”.

Аммо Азизнинг ўзи-чи! У айбдор эмасми? Азиз бир фурсат сукут сақлаб давом этди: “Кейин одам афсус қиларкан. Аммо бўлар иш бўлган”.

Бир гал у ўзи шахсан биладиган одамнинг ҳаётига зомин бўлганди. Азизбек қўйган бомба портлаб ўша одам қурбон бўлган. “Ҳамон ўша одам ҳақидаги хаёл мени тинч қўймайди, — дейди Азиз. — Қиёматда унга нима деб жавоб бераман... Афсуски жавобим йўқ...”

Юзлари худди ёш боланикидай, соқоли сип-силлиқ қиртишланган, эгнига кенг шалвор ва енги калта майка кийган Азиз йигирма тўртга кирганга ўхшамайди, ёшроқ кўринади. Унинг қиёфаси уруш лагерларида “таҳсил олган” террорчига эмас, балки кўпроқ замонавий пойтахт шаҳар – Тошкентнинг одатий ёшларига айни монанддир. Ташқи кўринишидан унда тақводорликнинг ҳеч бир белгиси кўринмайди. Дин ҳақида савол берилсагина гап очади. Шунда ҳам бошқа мусулмонлар каби бир кунда беш вақт намоз ўқишинигина гапиради.

Сўнгги тўрт ойни у Ўзбекистоннинг (хавфли жиноятчилар учун мўлжалланган) қамоқхоналарида ўтказди. Азиз Каримовнинг тасдиқлашича, қамоқхонада ҳеч ким унга ситам ўтказмаган ва у қилган айбларини виждон амри билан тан олган. Унинг иши билан танишган АҚШ расмийлари ҳам Азизнинг иқрорлари ҳаққоний эканини айтишди.

Эҳтимол, уни ўлим жазоси кутаётгандир. Шундай бир шароитда у айбларини очиқ тан олиб, шафқат ва мурувват илинжида интервью беришга рози бўлди. “Мен бутун Ўзбекистон халқидан, Президент Ислом Каримовдан кечирим сўрайман”.

Азизбек Каримов Фарғона водийсининг Андижон шаҳрида вояга етган. Маълумки, Собиқ Шўролар тузуми инқирозга юз тутгандан кейинги дастлабки йилларда Фарғона водийсида исломий кайфият ўта қайноқ эди.

“Азиз ажойиб бир йигитча эди, — эслайди унинг холаси. — У ваҳшийликка қўл уради, деб мен ҳеч қачон ўйламаганман”.

Холанинг айтишича, Азизбек етти ёшлигида унинг ота-онаси ажрашган. “Оила таназзули мурғак гўдак қалбида катта жароҳат қолдирди”.

Ўсмирлик чоғларида Азиз диндор амакисининг таъсири остига тушади. У диний сабоқ учун масжидга қатнайди. 1995 йилда мазкур масжид ёпилгач, у таҳсилни махфий диний мактабда давом эттиради.

“Бундан олти йиллар чамаси муқаддам Азиз Чеченистонга кетган амакиси Адҳамнинг ёнига йўл олган”, дейди Азизнинг холаси. Терговчиларнинг айтишича, олти ой давомида у Доғистоннинг чегарадош Хасавюрт шаҳарчасидаги лагерда ўқотар қуроллари ва портловчи моддаларни қандай ишлатишдан сабоқ олган.

Улар бир гал Андижонга қайтиб ҳам келишди. Аммо 1999 йилнинг март ойида яна Афғонистон сари равона бўлишди. Ўшанда Афғонистонни “Толибон” идора қилаётган эди. Афғонистонда улар Ўзбекистондаги конституцион тузумни куч ишлатиш йўли билан ағдариб ташлаш пайида юрган “Ўзбекистон исломий ҳаракати” деб аталмиш террорчи гуруҳ билан топишди.

Холасининг айтишича, бир сафар Азиз унинг ҳовлисига олтита халта қолдириб кетган. У холасига бу халталарда ўғит борлигини ва беш-олти ҳафта ичида бу юкларни кимлардир келиб олиб кетишини айтган. Аммо Азизнинг террорчилар билан алоқадорлиги аён бўлгач, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари томонидан ўтказилган текширувлар натижасида бу халталар ўғит эмас, нақ 1200 фунт портловчи моддалар билан тўла эканини аниқланган. Шу тариқа, холанинг турмуш ўртоғи ва Азизнинг отаси ушбу ҳолат юзасидан ҳибсга олинди.

“Қандай уятсиз-а, — алам ини яшира олмайди хола. — Ундан шунақанги ғазабландимки... Ўғит деса мен унга ишонибман-а... Мана энди эрим бечора қамоқда ўтирибди...”

Азизбек Каримовнинг таъкидлашича, у Афғонистонга фақатгина битта сабаб - Адҳам амакисининг оиласини унга етказиш учун отланган. Аммо Афғонистонга боргач, у тузоққа тушади. “Ўзбекистон исломий ҳаракати” деб аталмиш террорчи гуруҳ вакиллари унинг паспортини ва бор ҳамёнини олиб қўйди. Маълумки, мазкур гуруҳ “Толибон” ва Усама бин Лодининг “Ал-Қоида” террорчилик тармоғи билан яқин алоқа эди. Азизнинг амакиси Адҳам Каримов террорчи гуруҳ раҳбари Тоҳир Йўлдошнинг молия масалалари бўйича ўринбосари бўлган. Азиз бу ерда компьютердан, ўқотар қуроллар ва гранаталардан қандай фойдаланиш бўйича дарс олади. Азизнинг айтишича, у ҳатто бир марта Усама бин Лодин билан ҳам учрашган.

Азизбек Каримов Афғонистондаги асосий вақтини Кобулда ва Мозори Шарифда ўтказган. Аммо 2001 йилнинг ёзида, АҚШда содир этилган 11 сентябрь воқеалари ва улар натижасида Афғонистонда бошланган ҳарбий операциялардан олдин у Покистонга равона бўлган. Кейинроқ у Эрон орқали Қирғизистонга келиб, яна тинч ҳаётини бошлаган.

Тирикчилик ҳаракатида у Ўш шаҳрида атир-упа маҳсулотлари билан савдо қила бошлади. Бу ерда у йигирма ёшлар атрофидаги қизни учратиб, 2002 йил августда унга уйланади. Азиз турмуш ўртоғига ўзининг ўтмиши тўғрисида оғиз очмай қўя қолди. Аёли ҳам бунга ортиқча қизиқиш билдирмади. Ҳатто эри никоҳни не сабабдан қайддан ўтказмаганига ва янги уйини хотинининг номига олганига ҳам ортиқча қизиқиш билдиргани йўқ.

“Мен учун майиб бўладими чўлоқ бўладими эрим бўлса кифоя эди, — дейди Азизнинг турмуш ўртоғи, 11 фарзанддан иборат ғарибгина бир оиланинг вакиласи - Гулчеҳра Каримова. — Мен учун энг муҳими турмуш қуриш эди. Атрофдагилар сенга ҳеч ким уйланмайди, дейишарди. Шу сабаб мен ҳар қандай одамга турмушга чиқишга рози эдим”.

Азиз Каримовнинг айтишича, у янги турмушини молиявий таъминлаш мақсадида эски ҳамтовоқларига мурожаат қилган. У Интернет орқали “Ўзбекистон исломий ҳаракати” деб аталмиш террорчи гуруҳнинг ҳали ҳамон “Ал-Қоида”га алоқадор араблар билан ҳамкорлик қилаётган вакилларини топган. Улар Азизга етти минг АҚШ доллари жўнатишган. У бу пулнинг маълум қисмини тўй учун сарфлаган, қолганига эса Ўшдан уй сотиб олган. “Шу тариқа яна ҳаммаси қайта бошланди”, дейди Азизбек.

Пул жўнатган ҳомийлар тез орада Азизга мурожаат этиб, берилган маблағ эвазига уни террорчилик операцияларини амалга оширувчилар рўйхатига киритишларини маълум қилган. Тўғрироғи, улар шундай талаб қўйган. Азизнинг айтишича, 2002 йил сетябрида улар Азизни Истанбулга чақиришган. Бу ерда Азизга АҚШнинг Бишкекдаги элчихонаси биносини ёки бўлмаса аксарият хорижликлар тўхтайдиган Пинара-Бишкек меҳмонхонасини портлаштиш топширилади.

Декабрда Азизбек топшириқни бажариш учун портловчи моддалар тўлдирилган жомадонни орқалаб Бишкекка келади. Аммо АҚШ элчихонаси шаҳар марказидан анча йироқда бўлиб, мустаҳкам деворлар билан ўралган эди. У элчихонанинг яқинига ҳам йўлай олмаслигини билиб, Бишкекдаги очиқ бозорларнинг бирига йўл олади ва жомадонни бозорда қолдиради. Бомба тўлдирилган жомадон эртаси куни, 27 декабрда портлайди. Мазкур портлаш натижасида етти киши ҳаётдан кўз юмган, 20 киши оғир жароҳат олган.

Каримов ўйлагандики, қаерда бўлса ҳам портлаш содир этилса бўлди, шу билан ҳомийларни рози қилиш мумкин. Аммо у янглишганди. Эртаси куни у ҳомийлар билан учрашганида улар Азизнинг хатти-ҳаракатидан норози бўлишади. Азизбек шундай эслайди: “Улар жуда-жуда ғазабда эди. Сен АҚШ элчихонасини портлатишинг керак эди, бошқа ишнинг бизга қизиғи йўқ, дейишди”.

Азизбек Каримов тушуниб етдики, у ўз келажагини бундай радикаллар билан тасаввур эта олмасди. Шу сабаб Азиз улардан қутулиш чораларини излай бошлайди. Аксига олиб ўтган йилнинг баҳорида унинг Ўшдаги савдо ишлари касодга учраганди. Ҳомий-террорчилар эса ундан берилган пулни талаб қилишда давом этарди. У ёки пулни тўлаши ёки бўлмаса янги-янги портлашларни амалга оширмоғи лозим эди.

8 май куни у атир-упа учун мўлжалланган катта идишга портловчи моддалар ва таймерни (бомбани портлаш вақтини автоматик тарзда бошқарувчи мослама) жойлаб, Ўшдаги Бақай банкининг пул ўтказиш кассаси томон йўл олди. У манзилига етиб келгач, гўёки кассага нимадир буюртма бергандек бўлди. Кейин эса қўлидаги идишни ўша жойда қолдириб, секингина жуфтакни ростлайди. У кетиши билан рўй берган портлаш натижасида кассир ҳалок бўлади. У кассир билан шахсан таниш эди.

Бу сафар у сувдан қуруқ чиқа олмади. Унинг жиноятини кўрган гувоҳлар бўлди. Гувоҳлар Азизни асл исми билан эмас, балки унинг лақаби орқали яхши билишарди, — дейди Қирғизистон хавфсизлик хизмати вакили Медетбек Талиев. — Шу тариқа унинг манзили аниқланди. Уни қўлга олиш арафасида турганимизда Азизбек Ўзбекистонга қочиб ўтди”.

Гулчеҳранинг ҳикоя қилишича, Азиз бир кун уйга келиб Андижонга кетиши кераклиги, у ерда онаси касал ётганини айтади. Кейин улар чегарадан ўтиб Андижонга, холанинг (Азизнинг холаси) уйига келишади. Улар ташриф буюрган маҳал холанинг уйидагилар кечки дастурхон атрофида эди.

Қирғизистонлик ҳамкасблари, шунингдек, Азиз Каримовнинг қариндошларидан бири берган ахборот асосида Ўзбекистон ҳуқуқ-тартибот органлари вакиллари орадан ҳеч қанча фурсат ўтмай, жиноятчи яширинган манзилни аниқлашди. Улар холанинг Андижондаги уйига кутилмаганда кириб келишди. Азиз Каримов бу пайтда хотини билан уйнинг ертўласида биқиниб ётган эди. “Итларнинг акиллашини эшитиб эрим ўнг қўлининг билак томирини кесиб юборди. Қон фавворадай отилди. Уст-бошим, қўлларим қонга беланди”, эслайди Азизнинг аёли.

Ўшдаги Дўстлик кўчаси яқинида истиқомат қилаётган Гулчеҳра (Азизнинг аёли) эса бор ҳақиқатни энди-энди идрок этаётгандек: турмуш ўртоғи у ўйлаган одам эмас экан. У Азизни кўришга борай деса, маблағи йўқ. Унинг ҳузурига борган журналист айтмаса, Гулчеҳра эрининг айбига иқрор бўлгани ҳақида ҳам билмас экан.

У ўпкасига тўлган йиғини ушлаб туролмади. У ҳомиладор эди, эри эса қамоқда. Эри уни яхши кўргани, шу боисдан ҳам иккаласининг турмуши учун террористлардан пул олгани тўғрисидаги гапларни эшитар экан, Гулчеҳра бошларини сарак-сарак қилди: “Мен ундан пул сўрабмидим... Менга унинг ўзи кифоя эди. Оилам бўлса етарли эди”. У нигоҳларини ерга қадади. Сўнгра оҳистагина қўшиб қўйди: “Агар у мени севганида бу ишларга қўл урмаган бўларди. Ҳамма ишни у қилди, энди эса қолганлар ҳам изтироб чекишга маҳкум...”

**Питер БЕЙКЕР,**
**“Вашингтон пост” (АҚШ),**
**2003 йил 18 сентябрь.**

(**ТАҲРИРИЯТДАН:** *Газета имкониятидан келиб чиқиб, Питер Бейкернинг* ***“Айбига иқрор бўлган жиноятчининг террор йўли”*** *сарлавҳали мазкур мақоласи қисқартириб берилмоқда*).

Mustaqil gazeta HURRIYAT

✓ Сабоқ

# АНГЛАНГАН ҲАҚИҚАТ

## ёхуд қалбнинг очилиши

*Оилада аёлнинг ўрни беқиёс, агар унинг ҳар бир воқеа-ҳодисага нисбатан ёндашуви — илм-маърифат билан бўлса. Акс ҳолда у хонадонда файз-барака, нур ва хотиржамлик йўқолади. Албатта, инсон бирданига маърифатли бўла олмайди. Баъзилар ўқиш-изланиш билан илмини орттирса, баъзиларга ҳаётнинг ўзи дарс беради. Ҳамма гап — бу дарсдан ким қандай хулоса чиқаради? Шу нуқтаи назардан Ватаннинг келажаги маънавияти гўзал ОНАлар қўлидадир, дегимиз келади. Чунки фарзанди ҳали гўдак экан, унинг мурғак қалбига меҳр-муҳаббат, эътиқод, эзгулик, гўзаллик ... туйғулари уруғини сепади, парваришлайди.*

*Қуйида механика-математика фанлари доктори, профессор Раҳима МУҲИДДИНОВАнинг бу борадаги фикр-қарашлари билан танишасиз.*

Ҳар бир инсон ҳаёти давомида кўрган-кечирган воқеаларига ўз нуқтаи назаридан туриб баҳо беради. Шу сабабдан фикрлар бутунлай хилма-хил. Ер юзида одамзот кўпайган сари бу хилма-хиллик уларнинг тинч-тотув яшашига тўсқинлик қилганлиги тарихдан маълум. Аллоҳ таоло бандалари аҳил яшашини истаб, маълум қонун-қоидаларни фаришта Жаброил алайҳиссалом орқали Ерда сайлаб олган ишончли бандалари — пайғамбарларга етказиб турган.

Бу қонун-қоидалар вақт ўтиши билан мукаммаллашиб борган. 4 та илоҳий Китоб — Забур, Таврот, Инжил, Қуръони Каримда ўз ифодасини топган.

Бу Китоблардан бизга маълумки, одамзот Ер юзида синов муддатини ўтаб, сўнгра қилган амалларига қараб жаннатга ёхуд дўзахга юборилади. Синов давридаги энг оғир вазифа — ўзининг ягона душмани бўлган — шайтоннинг васвасасига алданмасликдир. Шундай қилиб, одамзот эфир орқали Раҳмоний ёки шайтоний фикрларни танасидаги биологик мембраналар орқали қабул қилади ва унга ўз мулоҳазасини билдиради. Бундай тест синовидан ўтишга тайёрланиш одамзотнинг энг оғир вазифаси ва бу вазифани бажаришда ҳаёт сабоқларини ўрганиш ва таҳлил қилиш яхши натижа беради. **Шу сабабли ёши улуғ инсонлар ёшларга ўрнак бўлмоғи лозим.**

Бундан 2 йил бурун телевидениеда намойиш этилган адабий танқидчиликка бағишланган кўрсатувдан таажжубланган эдим. Кўрсатувни олиб бораётган шахс адабий танқидчиларга мурожаат этиб, улар саёз ишларга баҳо беришаётганининг сабабини тушунтиришларини илтимос қилди. Шунда улардан бири фақат икки оғиз гапириб: "Мен нима тўғри-ю, нима нотўғри эканини билмайман. Ёшларга жуда раҳмим келади", — деди. Шу гап билан кўрсатув якунланди. Менинг ҳайратим чексиз эди. "Наҳотки, олий маълумотли мутахассис ўз ишини билмаса?" деган ўй хаёлимдан сира кетмади. Анча вақт ўтиб, бу жумбоқнинг ечимини топгандек бўлдим. 70 йил давомида сиёсат атеистик фалсафага асосланган жамиятда билим олган мутахассислардан бундан ортиқ жавоб кутиш бефойда, албатта. Алданган халқ секин-асталик билан ҳақиқатни, нима тўғри-ю нима нотўғри эканини билишга ҳаракат қилмоқда. 8 йил аввал эса Москва телевидениесида бир гўзал қиз билан суҳбатни кўрсатишди. У майдаланган ойна парчалари устида бемалол юришнинг сабабини тушунтирди. Унинг айтишича, авваллари бундай воқеаларни тушунтиришга рухсат берилмаган. Маълум бўлишича, улар аввало Аллоҳга эътиқодларини мустаҳкам қилиш йўлида маълум тарбия билан шуғулланишар, сўнгра керакли дуони ўқиб, ноёб кўрсатувларини (трюкларини) бажаришар экан. Бу суҳбат менда жуда катта таассурот уйғотди.

Азизу авлиёларимиз ҳаёти ҳақидаги эртакнамо воқеаларнинг ҳақиқат эканини тушуна бошладим. Аллоҳга ёқишга интилиб яшаш ҳар бир инсоннинг асосий вазифаси бўлиши кераклигини англадим, ўзим ва атрофдагиларнинг ҳаётида рўй бераётган воқеаларни таҳлил қила бошладим.

Ҳаётимда юз берган бир мудҳиш воқеа дунёқарашимни буткул ўзгартириб юборди. 1990 йил 17 октябр куни онамни ўзбек йигитлари уйимизда ўлдириб, талончилик қилиб кетишган. Шу куни эрталаб қизимни ўғирламоқчи бўлишганда у қочиб уйга кирган, аммо онамга бу ҳақда айтмаган ва мактабига кетган. (Қон босими ошиб кетишидан қўрққан экан). Бир кун аввал мен Москвада докторлик диссертациямни ёқлаган эдим. Раҳматли онамнинг фожеали ўлими ҳаммани ларзага солди. Беш маҳал намоз ўқийдиган, ҳаром-ҳаришдан хазар қиладиган, меҳнаткаш онамнинг шу тахлид вафот этишларига тушуна олмас эдик.

Шу орада Қуръони Каримнинг ўзбекча изоҳли таржимасини ўқиб, Уҳуд жанги ҳақида тушган (Оли-Имрон сураси, 140-145) оятлар мазмунидан мени қийнаган саволга жавоб топгандек бўлдим. Алихонтўра Соғунийнинг "Тарихи Муҳаммадий" асарида бу жанг тафсилотлари батафсил баён этилган экан.

Маълум бўлишича Қурайш мушриклари мусулмонларга қарши курашга чиққанда Пайғамбаримиз (с.а.в.) ушбу маънодаги дуони ўқиганлар: "Эй бор Худоё, Сен учун урушурман, Сенинг ёрдаминг билан ҳужум қилурман. Аллоҳ ёрдами ҳар ишда менга етарликдир". Шунинг билан мусулмонларга иқбол эшиги очилиб, душман қоча бошлаган. Аскар ортини сақлаш учун қўйилган мерганлар энг керак бўлган жойни бўш қолдириб ўлжа олиш ниятида душманни қувиб кетган аскарларнинг ортидан югурадилар. Буни пайқаган душман отлиқ аскарлари ҳужумга ўтиб мусулмонларни қуршаб олишган. Натижада мусулмонлар енгилишган.

Менинг онам оёқлари оғриганда Аллоҳдан "Ўзингга осон қилгин" деб илтижо қилар эдилар, яъни Ўз даргоҳига чақириб олишини истар эдилар. Уҳуд жанги ҳақидаги Аллоҳнинг хабарларидан олган сабоғим шу бўлдики, Аллоҳ таоло менинг онамни шаҳидлар қаторида бўлишларини тақдир қилган экан (яна ҳам Валлоҳи аълам). Онамни ўлдирган йигитлар ва уларга шу "вазифани" юклаганлар эса онамнинг ҳам гуноҳларини олиб, дўзахийларнинг ишини қилишган экан.

Онамнинг ўлимлари биз фарзандларига катта ибрат бўлди, яъни У бизларни ҳам жазолаганини ҳис қилдик. Бундан кейин ёлғиз Аллоҳга муҳаббат боғлаб, ёлғиз Ундан қўрқиб яшаш кераклигини англадик. Мен Москвада ёқлаган илмий ишим илоҳий илмга нисбатан ҳеч нарса эканини фаҳмладим. Дунёвий илм илоҳий илм сирларини очишга ёрдам берар экан, холос. Шу билан бирга баъзан табиий чегарани бузиб ўтиб, илоҳий илмни йўққа чиқариши ҳам мумкин экан. Қанчадан-қанча олимлар Аллоҳ яратган ноз-неъматлардан фойдаланиб, Унга қарши "илм" яратмоқчи бўлишган, Аллоҳ бандаларини атому водород бомбалари билан йўққа чиқаришдан қўрқишмаган. Қанчадан-қанча ғайри дин олимлари ўз мақтанчоқликларини енга олмай, биз Аллоҳнинг оиласиданмиз деб юрадилар ва бу билан Аллоҳни одамга тенглаштираётганларини(астағфируллоҳ!), ғазабига учрашларини сезмайдилар. Бу ҳам етмагандек, Аллоҳ ёрдамида ўзгартирилмай тоза сақланган Қуръон оятларини инкор этадилар. Бу билан Қуръондан аввалги илоҳий китобларда ман қилинган маст қилувчи ичимликларни бемалол ичиб юраверишга катта йўл очиб бераётганларидан хабарлари йўқ; оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш учун ёш, чиройли қизлар, аёлларнинг ҳижобда юриши кераклигини тушунмайдилар; ўз динларига даъват қилиш мақсадида Пайғамбаримиз (с.а.в.)-ни кўп хотинликда айблаб, қанчадан-қанча эрлик ва эрсиз аёлларнинг никоҳсиз болалик бўлишларига йўл очиб бераётганларини англаб етмайдилар. Диллари вайрон отасиз, беникоҳ туғилган, ташландиқ болаларнинг борган сари кўпайишига ва уларни таъминлаш оддий халқ зиммасига тушаётганига сабаб бўлаётганларини билсалар эди? Шу ва шунга ўхшаш бошқа масалаларни нима учун тушунмаётганлари ҳақида Қуръони Каримнинг жуда кўп оятларида келтирилган. Энг қисқа оят қуйидагича: **"Аллоҳ уларнинг дилларини ва қулоқларини муҳрлаб қўйган. Кўзларини эса парда қоплаб олган. Улар учун буюк азоб бордир".**

*Паризодеки мушкин зулфи жоним мустаманд этмиш,*
*Малойик қушларин ул ҳалқа мўлар бирла банд этмиш.*

**Алишер НАВОИЙ**

# ПАРИЗОД 11

✓ Ҳайрат

# ТАҚДИР

*Жаноби Ҳақ ҳар ишининг орқасида албатта ҳикмат яширади. Саҳифамизнинг ўтган сонида «Баҳс» рукни остида «Аёлнинг бахти» деганда нимани тушунасиз? дея турли ёш ва соҳадаги хотин-қизлардан ўз фикрларини олган эдик. Ушбу жавоблардан бирида «Аёл бахти бормикан, ўзи?!» деган таажжуб билдирилади. Тўғриси, бу жавоб олдинига жўндек туюлди. Бора-бора эса миямизни буткул қамраб олиб, бизни ҳам тафаккур қилишга чорлади. Дарҳақиқат, аёл бахти ўзи борми? Биз бахт деб нимани ўйлаймиз-у, аслида у ўзи нима?*

*Бахтни ҳар ким ўзича тушунади. Лекин биз юқорида зикр этилган жавоб сабаб бўлиб изландик, қолаверса, кўп инсонлар билан мулоқотда бўлдик. Ҳаттоки, йигит ва кишиларнинг ҳам бу борадаги қарашлари қандай экан, деган фикр ҳам ўтди хаёлимиздан (буни қарангки, биз бош қотирган мавзуда «Аёл — Аллоҳнинг нури» деб номланган бир мақола келди).*

*Ҳар нарсанинг ҳақиқийси бўлганидек, бахтнинг ҳам ҳақиқийси борлигига ишонамиз. Масалан, Зулайхо ҳақиқий бахтига етишиш учун озмунча машаққатларга учрамади? (Зулайхо иймонга келгунига қадар Юсуф алайҳиссалом ҳам турли балолар билан имтиҳон қилиниб турганлар). Аввалига Зулайхонинг тушида Юсуф алайҳиссалом суратида бир нур кўрсатилди. Зулайхо айнан шу нурга ошиқ бўлди ва унга талпинди. Бу нур эса ҳаромни ўзига яқин олмас, ёмон хулқ ва ҳаракатлардан қочар, ботил нарсаларни эса мутлақо қабул қилмас эди. Натижада унинг воситасида Зулайхо покланди. Ваҳоланки, ўзи ҳам бир нур эди, бироқ нафсоний-шаҳвоний истак-хоҳишлар, қолаверса, ботил эътиқодли бўлгани учун ҳам уни англашга ожиз эди. Қачонки мосивони тарк этиб — ҳақиқатни, Ҳақни танигач, ҲАҚИҚИЙ БАХТ унга кулиб боқди. Валлоҳи аълам.*

*«Инсонда шу қадар улкан ишқ, ҳирс ва дард борки, юз мингларча олам ўзиники бўлса ҳам, кўнгли тинчимайди, дейдилар Мавлоно Жалолиддин Румий. — У ишда, санъатда, илми нужумда, ҳакимликда машғул... Бироқ буларнинг ҳеч биридан ҳузур тополмайди. Чунки истаган нарсасини қўлга киритолмаган. Ер дилоромлар, яъни кўнгилни тинчлантирувчи, демакдир. Завқ ва орзулар зинапояга ўхшайди. Зиналар ўтириб, дам олишга мослашмаган, аксинча устига босиб ўтилади, холос. Умрини шу зиналарда беҳуда ўтказмаслик учун ғофилликдан тез уйғонган ва аҳволнинг моҳиятини англаб етган зот қандай бахтли».*

✓ Маънавият

# АЁЛ – АЛЛОҲ НУРИ

Аллоҳ таоло биринчи аёл — Ҳаввони эркак, яъни Одамнинг қовурғасидан яратган. Мен бу ҳолатдан ҳам илоҳий ҳикмат туяман. Инсон танасини қовурғасидан ажратиб бўлмаганидай эркакни ҳам аёлдан айириш жуда қийин! Аллоҳ таоло инсоният силсиласини давом эттириш учун аёлга оналик бахтини, имконини берган. Аёл-эркак учун лаззатли ҳаёт ва таскин-осойишталик тимсолига айланган. Қуръони Каримда бундай дейилган: **"Аллоҳ шундайин зотки, сизларни бир жондан (Одамдан) яратди ва у ором-осойиш топсин деб унинг ўзидан жуфтини келтирди". Яна Қуръондан: "Улар (аёллар) сизларнинг либосингиз. Сизлар улар учун либоссиз (яъни эр-хотин бир-бирига киши либосга муҳтож бўлгани каби муҳтождирлар)".**

Инсониятнинг охирги пайғамбари Ҳазрати Муҳаммад (с.а.в.) аёл номини улуғлаш, унинг шаънини кўтариш, хотин-қизларнинг ҳуқуқини белгилаб беришда фақат Ислом умматига эмас, ўн беш асрдан буён бутун кишилик жамиятига ибрат ва намуна бўлиб келяптилар. У зотдан ривоят қилинган ҳадисни бир эсланг: **"Ўз хотинига меҳр-шафқатли бўлган кишилар ораларингиздаги энг яхши кишилардир".** Пайғамбар алайҳиссаломдан нимани яхши кўрасиз, деб сўрашганда, аёлни, хушбўй нарсаларни ва намозни, деб жавоб қайтарганлар. Буни шоир чиройли

***Хотин-қизлар, хуш бўйлар меҳри.***
***Бу дунёда дилга бўлди жо.***
***Кўнглим хуши, кўзим қораси —***
***Дил юпанчи намозда аммо.***

сатрларга шундай муҳрлаган:

Пайғамбар алайҳиссаломнинг аёллари ҳам у зотга нисбатан чексиз ҳурмат, садоқат, итоат, муҳаббат намуналарини кўрсатишди. Биринчи завжалари Ҳадичаи Кубро қабиланинг энг обрўли, бадавлат, насабли ва гўзал аёлларидан эдилар. Бу оқила аёл Пайғамбаримиз(с.а.в.)нинг ҳалол, хушхулқ ва ростгўйликлари туфайли ўзлари совчи қўйиб у зотга турмушга чиққанлар. Бутун бойликларини, меҳр-муҳаббатларини қўш қўллаб тутганлар. У зотнинг Ислом динини ёйиш йўлидаги машаққат-азобларига шерик бўлдилар, қийин кунларда юпанч, далда бердилар, чинакам сафдош ва сирдош бўлдилар. Кенжа завжалари ҳазрати Оиша (р. анҳо) пайғамбаримиз (с.а.в.)дан энг кўп ҳадис ривоят қилган сафдошларидан бўлдилар. У зотнинг кўрсатма ва даъватларини Ислом умматига ёйишда энг кўп жонбозлик қилдилар. Пайғамбаримизнинг қизлари Фотимаи Заҳро ҳам имом Ҳасан-Ҳусанлардай табаррук инсонларга ҳаёт берган, тарбиялаган энг олийжаноб аёл сифатида тарих қатларига муҳрланганлар.

Шарқда аёлни улуғламаган, унинг шаънига бирор оғиз мадҳия, мақтов битмаган аллома-ю шоирни, фузало—мутафаккирни топиш қийин. Мавлоно Жалолиддин Румий ҳазратлари дунёни ҳайратга солган шоҳ асари "Маснавий"да шундай ёзади:

***Аёл — Аллоҳ нури, оддий жононмас,***
***Яратур, яралган ошуфта жонмас.***

Мавлоно Абдураҳмон Жомий ўзининг "Нафаҳот ал-унс" асарида шундай дейди: "Барча аёллар биз тилга олиб ўтган аёллар каби бўлганларида эди, аёллар эркакларга қараганда анча устунроқ бўлган бўлардилар". Мавлоно Жомий айтган аёллар **мол-мулк ва нафс, роҳат-фароғатдан воз кечиб, Аллоҳ ва эр розилигини топмоқчи бўлган саодатманд хотин-қизлардир.**

Ёлғизликни фақат Ўзига муносиб кўрган Аллоҳ таоло бутун мавжудотларни жуфт-жуфт қилиб яратган. Шу жумладан инсонни ҳам. Аммо барча зоҳир ва ботин нарсаларни қамраб олган жуфтлик қонуни инсонларда энг камолот чўққисига улашган. Эркак ва аёлнинг, ошиқ ва маъшуқанинг бир-бирига интилиши, бир-бирига муҳаббатида Аллоҳга интилмоқнинг, илоҳий ишқнинг намоён бўлиши Шарқ адабиётида, сўфийлар шеъриятида ўз ифодасини топган. Шарқ шеъриятида Юсуф ва Зулайхо, Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнун, Вомиқ ва Узро, Тоҳир ва Зуҳро кабилар машҳур ошиқ-маъшуқлардир. Ана шу севги ривоятларининг барчасида аёл тимсоли Аллоҳ ишқида куйиб-ёнишларнинг, интилиш-талпинишларнинг илоҳий хотимасига айланган, улар сиймосида Аллоҳ таолонинг сифатлари зоҳир бўлган.

Барча замонларда аёллар шаънига бўлмағур туҳматлар, камситишлар қилиб келинди, улар хўрланди, жаҳолатга отилди. Аммо Аллоҳ таоло уларни хўрлатиб қўймади, аксинча уларнинг мақомини юқори кўтарди. Масалан, «Маснавий» шарҳида айтилади: Мажнун ҳаётининг мазмуни, муҳаббатининг нишони бўлган Лайли илоҳий муҳаббат йўлидаги бир поғона эди, холос. Мажнун ҳақиқат излаган илоҳий муҳаббат боғида ўз ўрнини топганидан кейин нисбий гўзаллик соҳиби бўлган Лайли ўз аҳамиятини йўқотганди. Буни қуйидаги ривоятдан ҳам билса бўлади: — Ўша замоннинг ҳукмдори Лайлини кўриб қолади ва «Мажнунни изтиробга солган сенмисан, бошқа аёллардан ҳеч фарқинг йўқ-ку!» дейди. Шайх Саъдий бу ривоятни шундоқ изоҳлайди: «Лайлининг гўзаллигига Мажнуннинг кўнгил дарчасидан боқиш керак».

Олмониялик таниқли олима Аннемарие Шиммел хоним "Жонон менинг жонимда" номли китобида ёзади: "Ислом жамиятида энг катта ҳурматга лойиқ зот — аёл, аниқроғи она ҳисобланади. Бу ҳол Пайғамбар алайҳиссаломнинг "Жаннат — оналарнинг оёғи остидадир" деган ҳадиси шарифларида яққол баён этилган. Ислом дини нозил этилган кундан бошлаб ҳозирги кунларгача тақводор, зиёли ва ёлғиз Аллоҳ таолони севгувчи аёллар бўлган, бор ва бўлади".

**А. МУҲАММАД**

# ТИББИЙ САВОДСИЗЛИК

## *оила қашшоқланишига олиб келади, дейди "Оила" маркази директор ўринбосари Даврон ХОЛИҚОВ*

***Ўтказилган сўровлардан маълум бўлишича, баъзи аёлларимиз китобдан, адабиётдан умуман йироқлашиб кетган. Республикамизнинг чекка туман ва қишлоқларида истиқомат қилаётган аёллар орасида эса, мутоалага қизиққанлари ҳам, "Шайтанат" билан "Даракчи"ни ўқишдан нарига ўта олмаганликларини эътироф этишади.***

Кинолар тўғрисидаги сўровномалар жавоби ҳам чакки эмас. Аксарият хотин-қизлар "Қиш сонатаси"ни тамомлаб, айни пайтда "Гвадалупе"ни севиб томоша қилаётганликларини билдирган бўлсалар, улар орасида бу жавобни хатолар билан аранг ёзиб берганларини ҳам учратиш мумкин. Масалани ўрганиш жараёнида яна бир ачинарли ҳолат кўзга ташланади. Айрим тоифа аёллар мафкураси торлиги, жамиятдаги вазифаларини фақат пул топишдан иборат деб ўйлаганликлари учун ҳам "Оила" аталмиш муқаддас даргоҳдаги вазифаларини бир четга суриб қўйиб, бор куч ва ғайратларини бозорга ёки бўлмаса тунги бозорларга сарфлашмоқда. Натижада СПИД каби юқумли касалликларга чалинаётганлар сони ортиб бораётган бўлса, бу йўлда уларни тўлиқ асраб қолишнинг ҳам имкони бўлмаяпти.

Начора. Оғир тин олганча мутахассисга мурожаат қиламиз.

**— Даврон ака, юқоридаги масалаларнинг олдини олиш йўлида Республика "Оила" илмий-амалий маркази қандай чора-тадбирларни амалга оширмоқда?**

— Вазифамиз аввало, муаммо юзага келган ҳудуд аҳолиси билан танишиб, улар ўртасида ижтимоий сўров ўтказишдир. Ушбу ўтказилган сўров асосида биз муаммонинг сабаб оқибатларини аниқлаймиз ва натижани ўша туман ҳокимликларига ва юқори ташкилотларга тақдим этамиз. Кейин улар ўзлари тегишли қарор ва ижроларини амалга оширишади.

**— Демак, туманлардаги ҳолатлар ҳам Республика "Оила" маркази томонидан ўрганиб чиқилар экан, бундан кўринадики, вилоятларда марказнинг бўлимлари мавжуд эмас?**

— Йўқ, мавжуд. Аммо уларнинг фаолияти ҳали яхши йўлга қўйилмаган. Мазкур бўлимларнинг талаб даражасида фаолият кўрсатишлари учун биринчидан, мутахассис кадрлар етишмаётган бўлса, иккинчидан, жойлардаги мутасадди раҳбарларнинг бефарқлиги сабаб бўлмоқда. Шунга қарамай марказимиз қошида оилашунос олимларни тайёрлаш мақсадида аспирантура таълим йўналиши йўлга қўйилган ва унда 13 нафар аспирантимиз илмий изланишлар олиб бормоқда.

**— Ўз тадқиқотларингизга таянган ҳолда бугунги кун аёлларига энг зарурий билимлар қайсилари деб ўйлайсиз?**

— Аввало аёл кишининг ҳамма соҳадан хабардор бўлгани яхши. Масалан, биргина тиббий саводхонлиги бўлмаган аёл оддий кундалик муолажаларни ҳам қила олмай, боласини шамоллатиб қўйиши мумкин. Натижада, ота-онанинг боши югур-югурдан чиқмайди, бола химикатлар билан "даволанади". Бу орада оила бюджети ҳам яхшигина зарар кўради. Агар ўша аёлнинг тиббий саводхонлиги бўлганида эди, боласи шамоллашининг ҳам, ортиқча югур-югурнинг ҳам олдини олган бўларди. Шу маънода айтишим мумкинки, аёлларимиз учун биринчи навбатда доимгидек маънавий, тиббий ва ҳуқуқий саводхонлик энг зарурий билимлардир. Бу билимларни эгаллаш кўп машаққат талаб қилмайди. Хотин-қизларни оилага тайёрловчи ўқув марказларига мурожаат қилинса ҳам улар керакли маслаҳатларни беришади.

Кўриб турганингиздек, юртимизда аёллар саводхонлигини ошириш, фаровон оилаларнинг кўпайиши учун тегишли ташкилот вакиллари имкон қадар ҳаракат қилишмоқда. Аммо бундай ҳаракат аввало бизнинг ўзимиздан бошланмас экан, мақсадга эришишнинг йўллари мураккаблигича қолаверади. Ёзувчи Абдулла Қаҳҳор айтганидек, токи онгимизда ўзгариш юз бермас экан, ҳар қандай моддий ўзгаришлар бекордир.

**Зебо НАМОЗОВА,**
**талаба**

✓ Изҳор

# РАҲМАТ СИЗГА, АМАКИ!

*Биринчи синфда ўқирдим. Ҳар кун мактабга кетишдан олдин уйимиздан унча узоқ бўлмаган дўкондан 1 сўм пулга уч литр сут олиб келиш менинг вазифам эди. Уйда чақалоқ укам бор, қолаверса, оиламизнинг бошқа аъзолари ҳам аямнинг мазали қуймоқлари, ширин ширгуручу бўтқаларини севиб ейдилар. Тўнғич фарзанд эканлигимданми, ё битта қиз бўлганлигим учунми, аямга рўзғор ишларида барвақт қараша бошлаганман...*

*Хуллас, кунларнинг бирида одатдагидек идишни сутга тўлдириб уйга қайтардим. Ҳали дўкондан унча узоқлашмаган эдимки, йўл четида ётган фанера бўлагига кўзим тушди. Боламан-да, тўғри йўл қолиб, ўша нарсанинг устидан босиб ўтгим келди. Таги силлиқ экан, оёғимни қўйишим билан яхмалакда тайиниб йиқилган одамдек, ерга учиб тушдим. Ўрнимдан туриб, тўнтарилиб ётган идишим, тўкилиб ётган сутни кўриб аламимданми, қўрққанимданми йиғлаб юбордим. Шу қадар ўзим билан ўзим бўлиб қолибманки, олдимга келиб қолган кишини сезмай қолибман. Нотаниш амаки идишни қўлимга олиб берди-да, ҳеч нарса демай чўнтагидан бир сўм пул чиқариб менга узатди. Бояги сўнг даражадаги паришонлик ўрнини чексиз қувонч эгаллади. Пулни олдим-у, югурганча дўконга қайтдим. Сут олаётиб, нажоткор амакига раҳмат айтмаганим эсимга тушди.*

*Бу воқеа қалбимда чуқур из қолдирди. Нотаниш бир амакининг кичкина бир қизга қилган яхшилиги орқали чорасиз инсонларга ёрдам қўлини чўзишнинг завқини Аллоҳим менга ўргатди.*

*Ушбуни ўқиётганлар орасида балки сиз ҳам бордирсиз. Орадан йигирма йил ўтган бўлса-да, дил изҳоримни қабул қилинг.*

**Феруза ШОКИРОВА**


# Voice of America

# Америка овози

www. voanews. com/uzbek

- *Дунё хабарлари*
- *Америка ҳаётидан лавҳалар*
- *Қўшма Штатлар сиёсати, иқтисоди, маданияти ва маърифатининг турли қирраларини акс эттирган маълумотлар*
- *Америка ва дунё жамоатчилигини боғловчи қадриятлар*
- *АҚШ ва Марказий Осиё муносабатлари*
- *Вашингтон-Тошкент алоқалари*
- *Демократия ва инсон ҳуқуқлари борасидаги жараёнлар*
- *Терроризмга қарши кураш босқичлари*
- *Дунёдаги долзарб воқеаларга Вашингтондан назар*

*Буларнинг ҳаммаси "Америка овози" радиосининг ўзбек тилида ҳавога узатиладиган дастурларида*

*Эшиттиришларимиз ҳар куни алоҳида-алоҳида дастурлар ҳолида Тошкент вақти билан 17.30-18.00 ва 20.00-20.30 оралиғида эфирга узатилади.*

«Америка овози»

*радиосини қисқа тўлқин — УКВ 17.30-18.00 да 15470, 17555, 17730 kHzда 19 ва 16 метрларда; 20.00-20.30 да 7295, 9745, 15255 kHzда 41, 31 ва 19, шунингдек, Душанбе атрофида ўрта тўлқин 1143 килогерцда ва Ўш минтақасида FM 103,2 метрларда тинглаш мумкин.*

VOA

*МУРОЖААТ УЧУН*
*VOA UZBEK SERVICE Independence Avenue SW, Room # 2141, Washington, DC 20237, USA*
*Tel: (202)6197566, (202)6190368, fax: (202)2603498, (202)6190368*
*uzbek@voanews.com*


*ҚАДРЛИ УСТОЗИМИЗ ФАРИДА ОПА!*

*Устоз ва мураббийлар байрами билан самимий муборакбод этамиз! Сизга хайрли узоқ умр, соғлик, хотиржамлик тилаймиз. Ёш авлодни илм-маърифатли этиб тарбиялашда Аллоҳ таоло ҳамиша мададкорингиз бўлсин!*

***Камоли эҳтиром билан, Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, 252-мактаб, 9 "В"-синф ўқувчилари.***



**ТАТУ талабалари УМИРОВ Саҳобиддин Ибрагимовичнинг рейтинг дафтарчаси (№ 41057), КАРИМОВ Беҳзод Абдуқаҳҳоровичнинг талабалик гувоҳномаси (№ 12043) йўқолганлиги сабабли БЕКОР қилинади.**

**Саҳифа материалларини Иноят УБАЙДУЛЛАЕВА тайёрлади.**


Ўзингни англаб ет!

Mustaqil gazeta HURRIYAT

Муассис: Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси

*Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи:* **Исмат ХУДОЁРОВ**

Таҳрир ҳайъати: Турсунали АКБАРОВ, Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Амирқул КАРИМОВ, Наим КАРИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ (масъул котиб), Озод ШАРАФИДДИНОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР

«Hurriyat» kompyuter markazida Elyor UBAYDULLAYEV tomonidan sahifalandi.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот ва ахборот агентлигида 165-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими А-2.

**Таҳририят манзили:** Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй. Тел-факс: 41-49-91. Тел: 41-52-72, 144-25-06.

Индекс:
Якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: **Собиржон ЁҚУБОВ**

® — тижорат белгиси.

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 20.00
Буюртма — Г - 515
Т: 3047

*Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.*